

Сарҳад билмас кутубхона




11:34 / 03.11.2017 12873

Ўзбекистонда ягона «Ҳилол» виртуал кутубхонасининг қамрови янада кенгаймоқда

«Ҳилол-нашр» нашриёт-матбаасининг ташаббуси билан яратилган «Ҳилол» виртуал кутубхонаси эндиликда мамлакатимизнинг исталган нуқтасида ўрнатилиши мумкин. Кутубхонага шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг электрон форматга ўтказилган барча китоблари жойлаштирилади. Ҳозирги кунда кутубхона фонди муаллифнинг 114 та китобидан иборат бўлиб, келгусида уларнинг сони мунтазам равишда кўпайиб, таркиби янгиланиб боради. Дастлаб Тошкент шаҳридаги дўконларимизда иш бошлаган бу кутубхона энди вилоятлардаги барча филиалларимизда ҳамда жомеъ масжидларда ишга туширилиши мумкин.

Image not found or type unknown



Виртуал кутубхонадан фойдаланиш жуда осон:

Кутубхона ишлаб турган ҳудудга ташриф буюринг

телефон, планшет ёки ноутбукингни «Kutubxona» WiFi тўлқинига уланг.

www.kitoblardunyosi.uz интернет манзилини ёзсангиз, кутубхонанинг бош саҳифаси ўзи очилади.

Излаган китобингни дўконлардан топа олмадингизми, тўппа-тўғри виртуал кутубхонага марҳамат қилинг – у ердаги китоблар ҳеч қачон тугаб қолмайди.

Виртуал кутубхонанинг яна бир афзаллиги шуки, янги китоблар ҳали чоп этилмай туриб, уларнинг электрон нусхаси китоб жавонимиздан ўрин олади. Мана, яқинда чоп қилинадиган **янги китоб** – шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг икки жилдлик «Ислом тарихи» китоби ҳам виртуал кутубхонамиздан ўрин олган.

«Ҳилол-нашр» нашриёти ушбу қулай, инновацион лойиҳани китобсевар халқимизга тухфа қилар экан, виртуал кутубхонани барча турдаги таълим муассасалари, масжид-мадрасалар ҳамда исталган жамоат жойларига ўрнатиб беришга тайёрлигини маълум қилади.

Аллоҳ таоло ушбу кутубхонани шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
ҳазратларидан садақаи жория сифатида ҳусни қабул айлаб, қиёматга
қадар ажру савобларидан баҳраманд қилсин!